


## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 748,7 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни, шу жумладан, Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 7,4 млрд. сўмни (113,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 4,2 млрд. сўмни (103,4 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 8,2 млрд. сўмни (78,4 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Ҳосил йиғими.** 2017 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 15820 тонна сабзавот (109,8 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,7 фоизга (жами 845,2 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 103,3 фоизга (359,9 минг бош), қўй ва эчкилар 103,7 фоизга (859,6 минг бош), отлар 104,1 фоизга (49441 бош), паррандалар 107,1 фоизга (14,6 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 92,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 40,3 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>845,2</b>	<b>103,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	61,2	103,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	749,0	103,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	35,0	102,9
<b>улардан сигирлар</b>	<b>360,0</b>	<b>103,3</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	20,3	107,4
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	330,2	103,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,5	103,3
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>859,6</b>	<b>103,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	194,3	105,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	638,9	103,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	26,4	100,4
<b>Отлар</b>	<b>49,4</b>	<b>104,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	6,1	104,0
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	41,5	104,0

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,8	105,4
<b>Паррандалар</b>	<b>14632,2</b>	<b>107,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	615,2	76,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	9282,3	119,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4734,7	93,5

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 88,6 фоизни, фермер хўжаликларида эса 7,2 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 91,7 ва 5,8 фоизни, қўй ва эчкилар 74,3 ва 22,6 фоизни, отлар 84,0 ва 12,3 фоизни, паррандалар 63,4,0 ва 4,2 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 64,6 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 6,4 фоизга кўп), 152,3 минг тонна сут (6,4 фоизга кўп), 257,7 млн. дона тухум ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>64,6</b>	<b>106,4</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2,0	105,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	58,0	106,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4,6	107,2

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>152,3</b>	<b>106,4</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	9,4	106,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	137,4	106,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,5	104,3
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>257,7</b>	<b>106,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	15,1	91,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	88,8	116,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	153,8	102,7

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 50,6 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 7,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 61,2 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 20,3 минг бош сигир, 194,3 минг бош қўй ва эчкилар, 6064 бош от, 615,2 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-март				2016 январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	1876	13,0	1968	12,7	104,9
Гўшт, тирик вазнда	1878	3,1	1987	3,1	105,8
Сут	8829	6,2	9363	6,1	106,0
Тухум, минг дона	16559	6,8	15062	5,8	91,0